

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

ISSN 2181-8150

Ilmiy-amaliy jurnal

№1 [108], 2025



50-bet

**O'SUV DAVRIDA TURPNING
FUZARIOZ VA ALTERNARIOZ
KASALLIKLARIGA QARSHI
BIOLOGIK KURASH
CHORALARI**



7-bet

**ISSIQXONA OQQANOTINING
PUSHTDORLIGINI O'RGANISH
VA UNGA QARSHI
PESTISIDLARNING
BIOLOGIK SAMARADORLIGI**



187-bet

**TOSHKENT VILOYATI
SUG'ORILADIGAN
TUPROQLARIDA GUMUS
BALANSINI BAHOLASH
VA BARQAROR YAXSHILASH
STRATEGIYALARI**

ПОМИДОР НАВ-ДУРАГАЙЛАРИНИ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА ЎСТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Остонақулов Тоштемир Эшимович,
Қарши давлат университети профессори,
Саидова Гулшода,
СПЭКИТИ докторанти,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси.

Аннотация. Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида помидорнинг тезпишар, ўртатегишар ва ўртапишар нав-дурагайлар тўплами комплекс баҳоланди. Аниқланишича, энг юқори ҳосилдорлик (67,8-109,8 т/га) ҳамда энг арзон таннархли (53,825-72,711 сўм), энг юқори соф даромад (52,4-105,6 млн.сўм) ва рентабеллик даражаси (106,3-178,7%) тезпишарлардан – Lojain F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Seraj F₁ дурагайлари, ўртатегишарлардан эса энг арзон таннархли (98,246-111,509 сўм), энг юқори соф даромад (15,1-23,6 млн.сўм) ва рентабеллик даражаси (34,5-52,7%) Red stone, Rio-grande навларида ҳамда Wolverine F₁ дурагайдан олинди.

Калит сўзлар: Кучсиз шўрланган тупроқлар, тезпишар, ўртатегишар ва ўртапишар нав-дурагайлар, соф даромад, таннарх, рентабеллик даражаси.

Аннотация. В условиях слабозасоленных почв Бухарской области комплексно оценена коллекция ранних, среднеранних и среднеспелых сортов томата. Выявлено, что самая высокая урожайность (67,8-109,8 т/га) с низкой себестоимостью (53,825-72,711 сум), наибольшая чистая доходность (52,4-105,6 млн. сум) и уровень рентабельности (106,3-178,7%) был получен у раннеспелых гибридов, а у среднеранних сортов и гибридов отмечена наименьшая себестоимость (98,246-111,509 сум), наибольшая доходность (15,1-23,6 млн. сум) и уровень рентабельности (34,5-52,7%).

Ключевые слова: слабозасоленных почв, ранних, среднеранних и среднеспелых сортов, наибольшая доходность, уровень рентабельности.

Abstract. A set of early-ripening, medium-ripening and medium-ripening tomato varieties and hybrids was comprehensively evaluated in the conditions of weakly saline soils of the Bukhara region. It was found that the highest yield (67.8-109.8 t/ha) and the lowest cost (53.825-72.711 soum), the highest net income (52.4-105.6 million soum) and the level of profitability (106.3-178.7%) were obtained from early-ripening varieties - Lojain F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Seraj F₁ hybrids, and from medium-ripening varieties - the lowest cost (98.246-111.509 soum), the highest net income (15.1-23.6 million soum) and the level of profitability (34.5-52.7%) were obtained from the Red stone, Rio-grande varieties and the Wolverine F₁ hybrid.

Keywords: weakly saline soils, quick, medium-quick and medium-quick varieties, net income, cost, profitability.

Кириш. Бухоро вилояти тупроқ-иклим шароити ўзига ҳослиги, помидор ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли талабини таъминлашдан анча пастлиги, ҳосилдорлик даражаси эса гектаридан 20-22 тоннадан ошмаслиги билан характерланади.

Муайян шароитда помидор экиннинг ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан юқори маҳсулдор, шўрга, касаллик, зараркунанда ва бошқа экстремал омилларга чидамли мосланувчан навларни танлаб экишга, илмий асосланган маҳаллий бирламчи ва элита уруғчилигини ташкил этишга, амалиётга кенг жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.

Помидор республикамізда асосий етакчи сабзавот экини бўлиб, унга бўлган талаб шу кунгача етарлича қондирилмасдан келмоқда. Бунинг асосий сабаби ҳар бир ҳудуд тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экин нав-дурагайлари баҳоланиб, улардан юқори ҳосилли мослашганлари ажратиб олинмаганлиги, юқори сифатли уруғлар етишмаслиги ҳисобланади. Амалиётдан маълумки, тўғри ташкил этилган уруғчилик орқали ҳосилдорликни 20-25% га ошириш мумкин [6,7,9].

Т.Э.Остонақулов, В.И.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаевлар [7],

Р.А.Низомов [6], М.Х.Арамов ва бошқалар (2022) эртаги помидор кўчатлари 10-20 апрелда, кечки эса 20 апрелдан 10 майгача экилади. Қатор оралари 70, 90 см, туп оралари навига қараб – 22, 30, 40 см қилиб, ҳар гектарига 50-74 мингтагача кўчат жойлаштирилади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда помидор кенг эгатларда кўшқаторлаб ўстирилади. Эрта ва ўртапишар навлар Талахин-186, Майкопский урожайный-2090, Тёмноокрасный-2077, Волгоград 5/95 кўчатлари 140-160 сантиметр кенгликдаги жўякларга туп оралиги 30 см қилиб, жуда шохлаб ўсадиган нав Чудоринка-670, Марғлоб-101, Будёновка кўчатлари эса 180-200 сантиметр кенгликдаги жўякларга туп оралиги 40 сантиметр қолдириб экилади, Юсупов нави бошқа помидор навларига қараганда анча серпалак бўлиб, кўп жойни эгаллайди шунинг учун уруғини тўғри бурчақли уялаб 210+70/2 схемасида экиш тавсия этилган [8].

Тадқиқот мақсади - Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида помидор тезпишар, ўртатегишар ва ўртапишар нав-дурагайлар тўпламини ҳар томонлама баҳолаш асосида мосланувчан истиқболлиларини ажратишдан иборат.

Материаллар ва методлар. Дала тажрибалари куйидаги йўналишларда Бухоро вилояти Жондор тумани "Ҳамроев Халил Бозорович" фермер хўжалиги суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида ўтказилди. Тадқиқотларда 18 та нав ва F_1 гетерозисли дурагайлар ўзаро таққосланди. Барча навларнинг 1 - репродукция, 1- класс, дурагайларнинг 1-авлод (F_1) уруғлари олинди. Делянканнинг майдони – 18 м², такрорлар 3 та бўлди. Экиш 5-7 чинбаргли кўчатлар билан 5-12-апрелда 90х25см тартибда амалга оширилди.

Тажриба битта контурда ўтказилиб, тажриба участкаси тупроғида гумус миқдори 0,97-1,12%, ялли азот-0,102-0,115%, фосфор 0,171-0,188%, калий эса 1,96-2,03%, сувли сўрим-кучсиз ишқорий рН=7,2-7,3, шўрланиш даражаси-кучсиз хлоридли (0,310-0,412% хлор иони) эканлиги билан характерланди. Тажриба участкасидаги барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди[1,2,3,4,5].

Натижалар ва мунозара. Бухоро вилояти кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ўстирилганда йиллар бўйича ҳосилдорлиги, ўртача ҳосилдорлиги, жумладан, товар ҳосилдорлиги ҳамда стандартга нисбатан қўшимча товар ҳосил миқдори аниқланди.

Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун бир гектарга қилинган жами харажатлар, ҳосилдорлик, бир центнер ҳосил таннархи, бир центнер ҳосилни сотиш баҳоси, бир гектардан олинган ҳосил қиймати, бир гектардан олинган соф даромад ва рентабеллик даражасидан фойдаланилди. Бир гектарга қилинган жами харажатларни ҳисоблашда беш йиллик

технологик харита ва вилоят фермер хўжаликларининг йиллик ҳисобот материаллари асос бўлди. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, бир гектарга қилинган харажатлар суммаси нав-дурагайлар бўйича 36,1 млн.сўмдан 59,1 млн.сўмгача бўлгани аниқланди (1-жадвал). Бир центнер ҳосил таннархи 53,825 дан 254225 сўмгачани ташкил этди.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, тезпишар нав-дурагайлар гуруҳидан энг арзон таннархли (53,825-72,713 млн.сўм), энг юқори соф даромад (52,4-105,6 млн.сўм) ҳамда рентабеллик даражаси (106,3-178,7%) Lojain F_1 , Tomsk F_1 , Bobcat F_1 , Seraj F_1 дурагайларидан; ўртатезпишар навлар гуруҳидан эса энг арзон таннархли (98,246-111,509 сўм), энг юқори соф даромад (15,1-23,6 млн.сўм) ва рентабеллик даражаси (34,5-52,7%) Red stone, Rio-grande навларида ҳамда Wolverine F_1 дурагайидан олинди.

Ўртапишар нав-дурагайлар гуруҳидан нисбатан юқори соф даромад (18,4-22,0 млн. сўм) ва рентабеллик даражаси (41,7-49,3%) Floradade ва Pink trind F_1 нав-дурагайларида қайд этилди.

Ўртапишар нав-дурагайлар гуруҳидан нисбатан юқори соф даромад (18,4-22,0 млн. сўм) ва рентабеллик даражаси (41,7-49,3%) Floradade ва Pink trind F_1 нав-дурагайларида қайд этилди.

Демак, помидор мосланувчан нав-дурагайларини танлаб экиш орқали кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ҳар гектардан олинадиган соф даромад ва рентабелликни ошириш имкониятининг мавжудлигини кўрсатди.

1-жадвал.

Помидор нав-дурагайларини кучсиз шўрланган ерларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2022-2024 йиллар).

№	Нав-дурагай номи ва келиб чиқиши	Ҳосилдорлик, т/га	Бир гек-тарга жами харажатлар суммаси, млн. сўм	1 ц ҳосилнинг, минг сўм ҳисобида		Бир гектардан олинган, млн. сўм		Рентабеллик даражаси, %
				таннархи	сотиш баҳоси	ҳосил қиймати	соф даромад	
Тезпишар навларда								
1	Мустақиллик-28(ст.)	38,2	43,4	113,612	150,0	57,3	13,9	32,0
2.	Ogastin (DE)	42,2	44,2	104,739	150,0	63,3	19,1	43,2
3.	Lojain F ₁ (NL) (ст.)	67,8	49,3	72,713	150,0	101,7	52,4	106,3
4.	Tomsk F ₁ (NL)	109,8	59,1	53,825	150,0	164,7	105,6	178,7
5.	Bobcat F ₁ (NL)	94,2	56,0	59,447	150,0	141,3	85,3	152,3
6.	Seraj F ₁ (NL)	90,0	55,2	61,333	150,0	135,0	79,8	144,6
Ўртатезпишар навларда								
7.	Rio-grande(NL)(ст.)	41,6	44,1	106,010	150,0	62,4	18,3	41,7
8.	Волгоградский5/95(RU)	28,2	41,4	146,809	150,0	42,3	0,9	2,2
9.	Red stone (USA)	45,6	44,8	98,246	150,0	68,4	23,6	52,7
10.	Юсупов(UZ)	34,4	40,1	116,570	150,0	51,6	11,6	28,9
11.	Восток (UZ)	30,9	39,4	127,508	150,0	46,4	7,0	17,6
12.	BT 1019 F ₁ (TR) (ст.)	14,2	36,1	254,225	150,0	21,3	-14,8	-41,0
13.	Terra cotta F ₁ (NL)	34,0	40,0	117,647	150,0	51,0	11,1	27,7
14.	Wolverine F ₁ (NL)	39,1	43,6	111,509	150,0	58,7	15,1	34,5
Ўртапишар навларда								
15.	Floradade (US)(ст.)	41,6	44,1	106,010	150,0	62,4	18,4	41,7
16.	Campbell (DE)	39,0	43,5	111,538	150,0	58,5	15,0	34,5
17.	H2274 F ₁ (TR)(ст.)	35,0	42,8	122,285	150,0	52,5	9,8	22,8
18.	Pink trind F ₁ (NL)	44,4	44,6	100,450	150,0	66,6	22,0	49,3

Хулосалар. Тадқиқот натижаларига кўра, энг арзон таннархли (53,825-72,713 сўм), энг юқори соф даромад (52,4-105,6 млн.сўм) ҳамда рентабеллик даражаси (106,3-178,7%) тезпишар - Lojain F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Seraj F₁ дурагайларидан; ўртатезпишарлардан эса энг арзон таннархли (98,246-111,509 сўм), энг юқори соф даромад (15,1-23,6 млн. сўм) ва рентабеллик даражаси (34,5-52,7%) Red stone, Rio-grande навлари ҳамда Wolverine F₁ дурагайдан олинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси . 2002. –Б. 217.
2. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Москва. 1992.-С. 320
3. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. Ташкент. 2022. -С. 103.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985. С. 351.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. 2011. -С. 648.
6. Низамов Р.А. Помидор етиштириш. Тошкент. 2021. Б. 82.
7. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., О.Қ.Қодирхўжаев. Мева-сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз. 2019. –Б. 552.
8. Дынко В. Схемы посадки. // 600 практических советов овощеводам. ТИД. Континент-Пресс. 2000. С. 95.
9. Веб сайтлар: <http://reestr.gosort.com>. <http://www.agro.uz/uz/services/recommentations/8120/>

УРАЗБОЕВА У.А. Ерёнғоқ (<i>Arachis hypogaea</i> L.) ўсимлигининг хорижий коллекцияларидаги ва маҳаллий нав намунасидаги аминокислоталар миқдори	75
XAMIRAYEV O'K., SODIQOV B.S., SHUKUROV X.M. Kasallangan kartoshka o'simligidan ajratilgan <i>F.Oxysporum</i> va <i>F.Solani</i> izolyatlarining patogenlik xususiyatlari	78
RASULOVA X.A., AKRAMOV U. Andijon viloyati tuproq-iqlim sharoitida yetishtirishga mos shalot piyozini navlarini tanlash	81
ДЖАЛИМБЕТОВ М.А., РАХМАТОВ А.М., ДУСМУРАТОВА С.И. Баҳорги экиш муддатларининг салатбоп шолғом ўсимлиги биокимёвий таркибига таъсири	85
САЛИЛАЕВА Г.П. Полиз экинлари меваларини сақлашдаги физиологик жараёнларига таъсир этадиган омилларнинг олдини олиш	88
ОСТОНАҚУЛОВ Т., САИДОВА Г. Помидор нав-дургайлари шўрланган ерларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги	90
SANAQULOV A.L., DJABBOROV SH.R., ISLOMOV A.B. Buxoro viloyati o'tloqi tuproqlari sharoitida issiqxonada pomidor yetishtirishda mineral oziqlanish rejimini o'rganish	93
НАКИМОВ Р.Х. Pekin navlari karamboshlarini saqlashga qo'yilgandan 60 kundan so'ng mahsulotga berilgan organoleptik baho	96
ДЖУМАНИЯЗОВА Г.И., ПУЛАТХОДЖАЕВА З.Х. Применение органического биоудобрения "Unumdor" для выращивания саженцев болгарского перца	98

O'SIMLIKSHUNOSLIK

RAXIMOV M.SH., ELBOBOYEV A.SH., ELBOBOYEVA S.J. O'rmon entomofaunasini tadqiq qilishda ilmiy tadqiqot uslublarini tanlashning muhim jihatlari	101
АМАНТУРДИЕВ Ш.Б., СИДИК-ХОДЖАЕВ Р.Т., САБИРОВ А.Ғ., ХУДОЙБЕРДИЕВ Н.Х. Беда дургай намуналарининг яшил масса ҳосили	103
МИРКАМИЛОВА Х.С., УЛУГОВА С.Ф. Минерал ўғитларнинг доривор валериана (<i>Valeriana officinalis</i> L.) ўсимликлари вегетатив ривожланишига таъсири	105
ТЎХТАМУРОВОДА М.Б., РУЗМЕТОВ У.И. Ўткир баргли сано (<i>Cassia acutifolia</i> Del) ўсимлигининг вегетатив ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири	108
АБДУРАХИМОВ У.К. Интродукционная оценка сортов расторопши пятнистой (<i>Silybum marianum</i> (L) Gaertn.) В почвенно-климатических условиях Хорезмской области	111
ERGASHEVA R.SH., URINBOYEVA O.D., KENJAYEV Y.CH. Liliya (<i>Lilium candidum</i> L)ning o'sishi va rivojlanishiga biogumusning ta'siri	114

PAXTACHILIK

YULDASHEVA R.A., SOTVOLDIYEVA O.I. G'o'zaning ekologik-geografik va genetik uzoq duragaylarida tola uzunligi belgisining shakllanishi	118
ФОЗИЛОВ Л.О., ЖАМОЛОВ А.Ғ., ИМОМАЛИЕВ Э.Н., ИСРОИЛОВ Д.Р. Ёўза десикациясини пахта толаси технологик сифат кўрсаткичларига таъсири	121
БЕКМЕТОВА Ш.Қ. Bir dona ko'sakdagi paxta vazniga ko'chat qalinligi, yaganalash va chilpish muddatlarining ta'siri	123
МАТЯКУБОВА Г.А., МАДАРТОВ В.К., МАВЛОНОВА Н.У. Suv tanqisligi va optimal sug'orish sharoitidagi ota-ona shakllari va F ₂ duragaylarida xlorofill miqdorini aniqlash	125
РАСУЛОВ Д.И., ХОЖАМБЕРГЕНОВ Н.М., ТУРАПОВ С.Х. Уруғларнинг экинбоплик сифатини нав тавсифномаси билан қиёсий ўрганиш	128

G'ALLACHILIK

СИДДИҚОВ Р.И., ЮЛДАШЕВ З.К., АШУРОВ Х.И. Рақобатли нав синаш кўчатзориди кузги юмшоқ буғдой нав ва дургайлари биометрик кўрсаткичлари таҳлили	130
НУРБЕКОВ А.И., БЕГИМКУЛОВА Д.М. Экиш усули, минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда темир таркибли илдиздан ташқари озиклантирувчи ўғитлар таъсирида кузги буғдой туп сонининг ўзгариши ..	133
ДИЛМУРОВОД Ш.Д. Лалмикор майдонлар учун мос, биотик ва абиотик омилларга бардошли юмшоқ буғдой "Оксарой" навининг афзалликлари ва бирламчи уруғчилиги	137
ТО'ХТАЙЕВ Ш.Н., ХАЙРУЛЛАЙЕВ М.Ғ., СУЛАЙМОНОВА Ш.С. Bug'doy kasalliklarining hosildorlikka ta'siri hamda bug'doy kasalliklarini hisobga olish usullari	140
MIRZAYEVA M.A., MAMADALIYEV M.Z. Kuzgi bug'doyda uchrovchi kasalliklar va o'simlikning o'sishi, rivojlanishiga sholi poxoli, mahalliy hamda ma'dan o'g'itlar me'yorlarining ta'siri	144
IDRISOV X.A., IBRAGIMOV B.O. Mosh (<i>Phaselus aureus</i> Piper.) navlarini sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlar sharoitida tadqiq etish natijalari	147
MASHARIPOV M.X., MAXMUDOV U.V., XAMRAYEV N.U. Ertapishar ultra bug'doy navidan bo'shagan maydonda mosh yetishtirish agrotexnologiyasi	150